

PEDAGOGIK МАХОРАТ

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

6-son (2019-yil, dekabr)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro – 2019

NOZIMBEK ZARIPOV UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA INFORMATIKA FANINI O'QITISHDA DASTURLASH MUHITIDAN FOYDALANISHNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI.....	171
IRODA XAYITOVA AXBOROT TEKNOLOGIYALARI VOSITASIDA MUSTAQIL TA'LIMNI TASHKIL ETISH.....	176
АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ.....	184
КОМИЛ МУҚИМОВ, СИДДИҚ ҚАҲХОРОВ, Д. НАМОЗОВА, Б. ЭСАНОВА “НАНОТЕХНОЛОГИЯГА КИРИШ” ЭЛЕКТИВ КУРСИНинг ДАСТУРИ ҲАҚИДА (ИХТИСОСЛАШГАН МАКТАБЛАРНИНГ 10-11 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН).....	184
ҲАСАН АВЕЗОВ, ЗИЛОЛА СУЛАЙМОНОВА “КАУЧУКЛАР” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	188
НАФИСА САФАРОВА НЕКОТОРЫЕ ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ И СОЗНАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ УЧАЩИХСЯ МЕДИЦИНСКИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ НА ЗАНЯТИЯХ ХИМИИ	193
ТҮЛҚИН РАСУЛОВ, НУРСАИД МЕРАЖОВ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ЎСТИРИШ ҲАҚИДА	199
ФАЙЗУЛЛО ҚОСИМОВ, ФЕРУЗ ҚОСИМОВ МАТЕМАТИКАДАН ИЖОДИЙ ТОПШИРИҚЛАР ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ЖАРАЁНИ	202
НИЛУФАР МАМАТОВА, ТУРДИЕВ ҲАЛИМ ҲАМРОЕВИЧ ВАРИАЦИОН ҲИСОБНИНГ АСОСИЙ ВА БОШҚА МАСАЛАЛАРИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЎРНИ	207
УМИДА УМАРОВА, ҒУЛОМ ҚУРБОНОВ ДИСКРЕТ МАТЕМАТИКА ВА МАТЕМАТИК МАНТИҚ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА “ЗИНАМА-ЗИНА” МЕТОДИ ...	211
БЕКМУРОД ХУШВАҚТОВ ФОТОЭФФЕКТ ҲОДИСАСИ МАВЗУСИНИ НОАНЪНАВИЙ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА КЕЙС ТЕХНАЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ.	214
ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ.....	217
ШУХРАТ АБДУЛЛАЕВ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ШКОЛЫ ПО РАННЕЙ ПРОФИЛАКТИКЕ УЧАЩИХСЯ.....	217
РАЙИМ ШУКУРОВ, МУРОД ТОШЕВ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР ОРҚАЛИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛАНТИРИШ МУХИМ ОМИЛ СИФАТИДА.....	221
НУРЗОД ДАВРОНОВ МИЛЛИЙ ҲАЛҚ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ	225
ФЕРУЗ БОБОМУРОДОВ ОЦЕНКА ФИЗИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ БОРЦОВ РАЗЛИЧНЫХ СПЕЦИАЛИЗАЦИЙ НА ОСНОВЕ АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИХ И СОМОТОТИПОЛОГИЧЕСКИХ ПОКЗАТЕЛЕЙ.	228
СОДИҚЖОН ҚАЗОҚОВ “КУРАШ СПОРТ ТУРИ” ТАРАҚҚИЁТИДА БУЮК СИЙМОЛАРНИНГ ЎРНИ.....	233
SHERZOD MANSUROV ABU ALI IBN SINONING JISMONIY TARBIYA VA SOG'LIQNI SAQLASH SOHASIDAGI FIKRLARI.....	237
ХАЙРУЛЛА МАТНАЗАРОВ СУЗИШ СПОРТИДА ИҚТИДОРЛИ СУЗУВЧИЛАРНИ САРАЛАШ САМРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР	241



Ҳасан АВЕЗОВ

Бухоро давлат университети кимё
кафедраси доценти



Зилола СУЛАЙМОНОВА

Бухоро давлат университети кимё
кафедраси ўқитувчиси

“КАУЧУКЛАР” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мазкур мақолада “Каучуклар” мавзусидаги ўқув машгулотининг инновацион технологияларга асосланган ишланмаси ҳавола этилади.

Таянч сўзлар: жамоавий таълим, таркиби ўзгарадиган жуфтлик, каучук, резина, эбонит, вулканлаши.

В данной статье приведена разработка учебного занятия по теме “Каучуки” с применением инновационных технологий.

Ключевые слова: коллективный способ обучения, работа в парах смешного состава, каучук, резина, эбонит, вулканизация

In given article is brought development of the scholastic occupation on() subject "Rubbers".

Keywords: collective way of the education, work in vapour of the removable composition, rubber, ebonite (vulcanite), vulcanize.

Дарс-бу ўқитувчининг умумий ва педагогик маданиятининг ойнаси, интелектуал бойлигининг ўлчови, унинг дунёкараши ва эрудициясининг кўрсаткичи ҳисобланади. Таълимнинг муваффақияти ўқитувчининг педагогик маҳорати ва ўқувчининг ҳоҳиш ҳамда қизиқишига боғлиқ. Шундай экан таълим ривожланишининг ҳозирги замон этапида дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур мақолада умумий ўрта таълим мактабларида “Каучуклар” мавзусини инновацион технология асосида ўтиш технологияси келтирилган.

Ўқитувчининг кириш сўзи

Замонавий кимё саноат ишлаб чиқаришнинг барча бурчакларига кириб бормоқда. Саноат учун кўп моддалар тирик табиатдан олинади.

Бугун биз дарсда табиат материаллардан бири билан танишамиз. Инсоният ўз хизматига бўйсундирган табиий полимер бу модда-каучукдир. Ҳозирги кунгача олимлар томонидан бир неча ўнлаб синтетик каучуклар яратилган. Каучукларнинг катта микдорини шина саноати ишлатади. Битта “Ласетти” учун 20 кг, 40 тоннали юқ машинаси учун эса 1900 кг каучук талаб этилади.

Ўқувчилар ўқитувчи таклиф қилган режа асосида дарс мақсадини шакллантирадилар. Ўқувчилар столида ахборотли текстлар ва методика бўйича топшириқни бажариш алгоритми бўлади.

Ўқитишининг жамоавий таълим методи (ЖТМ) асосида А.Г.Ривин ва В.К.Дъяченколарнинг қўйидаги гоялари ётади: таълим ўрганаётганлар ва ўргатаётганларнинг мулоқоти. Мавзу бўйича ўзаро ахборот алмашинища, конструктив диалогда ўқувчи мулоқот қилишни, гапиришни, ўз фикрини баён қилишни ўрганади. Бунинг учун ўқувчиларнинг **таркиби ўзгарадиган жуфтликларда** ишлашлари ташкил этилади. Бунда А ўқувчи В ўқувчига дарсликнинг катта бўлмаган текстини гапириб беради. Сўнгра В ўқувчи дафтарига асосий фикрини, янги сўзларни ёзади. Ҳикоя режаси, схемасини ёзиши ҳам мумкин. Сўнгра В ўқувчи А ўқувчига бошқа материални овоз чиқариб айтиб беради ва унинг

дафтарига мухим ёзувларни ёзади. А ва В ўкувчилар яна бир марта ўз шахсий дафтарларидағи ёзувларни мухокама қиласылар ва янги материални овоз чиқарып таҳлил қиласылар.

Ушбу методика бўйича ўкув материалыни ўрганишда бутун материални қисмларга ажратиш лозим, уларнинг ҳар бири карточкаларга шакллантирилади. Карточка 2 қисмдан ташкил топади: 1-кириш қисми ўзаро фикр алмашиниш мақсадида амалга оширилади. Кириш учун топшириқ репродуктив характерга эга. Ўкув материалыни ўкувчи таҳлил қилиши, дўстига тушунтиришни ўрганиши, унинг дафтарига энг асосий жойини ёзиши лозим. Бунда текстнинг параграфи устида ишланади. Кўпинча қўшимча адабиётлар, маълумотнома (справочник)лардан фойдаланилади. 2-қисм (2-даражадаги топшириқ) - мустаҳкамловчи топшириқ бўлиб, бунда олинган билимлар қайта ишланади. Булар ижодий характердаги топшириқлардир.

Жамоавий таълим методикаси бўйича дарсда ўкувчилар гурухларга (ҳар бир гурухда 4 нафар ўкувчи) бўлинib фаолият олиб боришади. Ҳар бир ўкувчи карточка олади. Ўқитувчи карточкаларга топшириқлар ёзади ва карточкаларнинг 1-топшириқ қисми тушунтирилади. Сўнгра ҳар бир ўкувчи топшириқ мазмуни билан танишади. Агар нимадир тушунарсиз бўлса, ўқитувчига саволлар берилади.

Кириш қисмини ўқитувчи ўрнига **консультантлар**-кучли ўкувчилар ҳам бошқариши мумкин. Ўқитувчи дарсдан олдин ҳар бир гурух учун консультант тайёрлайди. Консультант гурухнинг дарсга тайёргарлигини текширади, саволлар мазмунини тушунтиришга ёрдам беради, ўкувчиларга ишлар алгоритми ҳақида эслатади.

Киришни **жамоавий** тарзда ҳам амалга ошириш мумкин. Бунинг учун алоҳида гурухларга бир хил карточкали ўкувчилар йигилади ва 1-топшириқ бажарилади. Бу гурухда ҳам кучли ҳам кучсиз ўкувчилар бўлади. Улар бир-бирларига таққослашга ёрдам берадилар, сўрайдилар ва ўз гурухларини ишга тайёрлайдилар. **Битта ўкувчи ва бир жуфт ўкувчи карточка билан қандай ишлайди?** Ўкувчи карточкани олиб ўзлаштиради ва 1-қисмни тушунтиришни ўрганади, сўнгра у мустақил равиша дафтарига карточканинг 2-қисмини бажаради. Иккала қисмини ҳам бажарип бўлгандан сўнг ўкувчи кичик гурухда ўзига шерик излайди, улар бирга ўтирадилар. А ўкувчи карточканинг 1-қисмини В ўкувчига айтиб беради ва унинг дафтарига саволларга жавоблар, янги сўзларни ёзади, В ўкувчи бу топшириқни яхши ўзлаштиришга эришади. У контрол саволлар беради ва уларнинг жавобини эшитади. Агар иккала ўкувчи ҳам топшириқ бажарилди деб ҳисобласа, В ўкувчи дафтарини суриб қўяди ва карточка билан ишлашни бошлайди. Энди В ўкувчига ўз материалыни тушунтиради ва унинг дафтарига топшириқни бажариш намунасини ёзади ва саволларга жавоб беришга ёрдамлашади. Шундан сўнг ўкувчилар карточкаларини алмаштирадилар ва ўз дафтарларига 2-топшириқни бажарадилар. Болалар 2-топшириқни битта, сўнгра бошқа карточка билан текширадилар. Агар хато бўлса, хатога йўл қўймаган ўкувчи орқали бартараф этилади. Топшириқ бажарилгандан сўнг жуфтлик тарқалади ва ҳар бир ўкувчи янги шерик танлайди. Аммо янги шерик билан А ўкувчи ўзининг карточкаси билан эмас, балки В ўкувчининг карточкаси билан ишлайди ва ҳозиргина ўзи ўзлаштирган материални бошқа ўкувчига тушунтиради. Шу тариқа у блокнинг барча карточкаларини ўзлаштиради.

Кичик гурухлардаги ишни ҳисобга олиш учун қайд варафи мавжуд. У қуйидаги шаклда бўлади:

Мавзу:

Ўкувчининг исми шарифи	Карточка			
	№	1	2	3
1.				
2.				
3.				
4.				

Ўкувчиларни гурухларга ишлашини таъминлаш мақсадида ҳар бир ўкувчи учун иш алгоритми чиқарилади.

Ўкувчилар иш алгоритми:

1. Карточка 1-қисмидаги топшириқни мустақил бажаринг (консультант билан).
2. Карточкадаги топшириқ 2-қисмини ёзма равиша дафтарга бажаринг.
3. Ўз кичик гурухингда шерик изланг.

4. Шеригинг билан бирга ўтириб 1-топширикни тушунтириинг ва унинг дафтарига тегишли ёзувларни ёзинг. Саволларга жавоб беринг. Ўртоғингизга контрол саволлар беринг.
5. Ўртоғингизни 1-топшириқни тушунтиришини эшитинг. У ўз дафтарига қилган ёзувларни текширинг.
6. Карточкаларни алмаштиринг ва янги карточкадаги 2-топширикни бажаринглар.
7. 2-топшириқни текширинг.
- . агар топшириқ бир хил бажарилган бўлса, бир-бирингизга миннатдорчилик билдириб, янги шерик танланг.
- . агар топшириқ бир хил бажарилган бўлмаса, бир-бирингизни текширинг, хатоларни топинг ва тузатинг.
8. Хисоб варагига карточка номери тўғрисидаги графага (+) қўйинг.
9. Янги шерик топиб 4-топшириқдан бошлаб қандай ёзилган бўлса, шу тартибда ишланг.

Жамоавий таълим методида ўқувчи ҳам таълим олаётган ҳам таълим берувчи ролида қатнашади. Бунда анъанавий таълимда ва амалиётда очилмайдиган заҳиралар ҳам очилади.

1- карточка

Мавзу	1-даражали топшириқ	2-даражали топшириқ
Табиатда учраши: карточкадаги материалдан фойдаланиб, мавзу бўйича материални ўрганинг	Табиий каучук очилиш тарихи бўйича тарихий маълумотларни дафтарингизга ёзинг	<ol style="list-style-type: none"> 1. Нима сабабдан ҳозирги кунда саноатда синтетик каучукдан фойдаланилади, табиий каучукдан эса чегараланган миқдорда фойдаланилади? 2. Бизнинг планетамиздаги қайси ўсимликлар каучук ташувчи ўсимликлар хисобланади?

2- карточка

Мавзу	1-даражали топшириқ	2-даражали топшириқ
Молекуляр тузилиши Карточкадаги материаллардан фойдаланиб, мавзу бўйича материални ўрганинг	<ol style="list-style-type: none"> 1. Каучукнинг умумий формуласи ва унинг молекуляр массасини ёзинг. 2. Табиий ва синтетик каучук мономерларини ёзинг. Полимерланиш тенгламасини умумий кўринишда ёзинг. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Нима сабабдан резина чўзилганда иссиқлик ажралади, сикилганда эса-иссиқлик ютилади. 2. Гуттаперча транс-полиизопрен формуласини тузинг. А.П.Чехов ўзининг “Гуттаперча-бала” хикоясида гуттаперчанинг қайси хоссасини образли ифодалаган?

3- карточка

Мавзу	1-даражали топшириқ	2-даражали топшириқ
Физик хоссалари Карточкадаги материаллардан фойдаланиб, мавзу бўйича материални ўрганинг	<ol style="list-style-type: none"> 1. Дафтарга каучукнинг асосий физик хоссаларини ёзинг. 2. Эгилувчанлик нима? Унинг механизми моҳиятини тушунтиринг. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Нима сабабдан каучук бўлакчасини 12 м гача чўзиш мумкин? 2. Нима сабабдан резина қиздирилганда сикилади?

4- карточка

Мавзу	1-даражали топшириқ	2-даражали топшириқ
Кимёвий хоссалари Карточкадаги материаллардан фойдаланиб, мавзу бўйича материални ўрганинг	<ol style="list-style-type: none"> 1. Каучукнинг кимёвий хоссаларини санаб беринг. 2. Вулканизация нима? Бу жараён моҳиятини тушунтиринг. 3. Резина, эбонит, бўёқлар, тўлдирувчилар, 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қандай тажрибалар ёрдамида табиий каучукни резинадан фарқлаш мумкин ва резина таркибида олтингугурт борлигини қандай исботлаш мумкин? Тажриба режасини тузинг. 2. Нима сабабдан каучук резинага нисбатан тезроқ “эскиради”?

	пластификаторлар нима эканлигини тушунтиринг.
--	---

Барча ўкувчилар карточкалар билан ишлаб бўлгандан сўнг ўқитувчи ўкувчиларни баҳолаб дарсга якун ясади.

Карточкаларни тўлдириш учун ўкувчиларга қуйидаги маълумотлар ҳавола қилинади.

Табииатда учраши

XV аср охирида, 460 йил олдин, Христофор Колумб очиқ янги континент - Америка қирғоқлари бўйлаб 2-саёҳатини амалга оширди. Денгизчилар Сан-Доминголикларнинг “пластик” ёғоч смолосидан тайёрланган ажабтовур қандайдир копточчалар билан ўйинларини ҳайрон бўлиб кузатдилар. Копток ерга урганда ўйнарди. Бу табиий каучук эди.

Христофор Колумб Европага каучук намунасини келтирди, аммо ҳеч ким жиддий эътибор бермади. XVII асрда испан олими саёҳатчи Торквемада Европага индейслар ўз кийимларига каучукли дараҳтлар сокларини шимдириб, сув ўтказмайдиган қилишлари ҳақидаги маълумотни тарқатди. 1935 йилда Россия ФА аъзоси француз Шарль Мари де ля Кондамин каучукли маҳсулотларни тайёрлаш усувларини баён қилди.

Жанубий Америкада каучук берувчи бу дараҳт “геве” деб номланган, Европада эса “гевея”. Сутдай оқ ҳавода тез қотадиган бу сок “латекс” деб номланган. Жанубий Америка Амазонка дарёси худудидаги маҳаллий аҳоли индейсларнинг иккита сўзидан олинган: “кау”-“дараҳт”, “учу”-“йиғлаш, оқиш” .“Каучу” биринчи ва асосий каучукли дараҳт-гевея шарбитидир. Европалилар бу сўзга фақат битта ҳарф қўшиши...

Гарчи Европа билан Америка ўртасида савдо муносабатлари ривожланиб, каучук намуналари Европага келтирилган бўлсада, резина ўчирғич тайёрлашни ҳисобга олмаганда, то XIX асрнинг бошларигача каучукдан деярли фойдаланилмас эди.

1823 йилга келиб К.Макинтош Глазгода (Шотландия) табиий каучук эритмаси шимдирилган сув ўтказмайдиган плашли материал ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Молекуляр тузилиши

Каучук - бу эластик материал бўлиб, ундан резина олинади. Табиий каучук кимёвий таркиби бўйича тўйинмаган углеводород бўлиб, $(C_5H_8)_n$, формулага эга. $n=1000 - 3000$ гача бўлиши мумкин. Табиий каучук изопрен ёки 2-метилбутадиен-1,3 нинг полимери ҳисобланади.

Изопреннинг УБ-нурлар таъсирида кутбланиш хусусияти ўтган асрнинг охирларида маълум эди. Узоқ вақт бу уринишлар муваффакиятсиз тугади, чунки каучук тузилишининг барча деталлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган эди.

- 1) Табиий каучук - изопрен чизиксизмон полимер.
- 2) Стереорегуляр тузилишга, қўш боғ ўзига хос конфигурацияга эга.
- 3) Каучук 1,4-полиизопрен **цис-изомер ҳисобланади**. Бундай фазовий тузилиш **стереорегуляр** дейилади.

Каучукнинг физик ҳоссалари

Каучук - каучук сақловчи ўсимликлар сутсимон шираси (латекс)дан олинадиган аморф масса. Этил спиртда эрувчанлиги паст, аммо углерод сульфид, хлороформ ва бензинда дастлаб бўқади, сўнгра эрийди.

Юқори ҳароратда каучук юмшайди ва ёпишқоқ бўлиб, совукда қаттиқ ҳолатга ўтади. Каучук узоқ сақланганда қотади.

Қайтар чўзилувчанлик кўпчилик қаттиқ моддаларда - 1% атрофида, табиий каучукда чўзилувчанлик жуда юқори ва 1000 дан ортиқ бўлиши мумкин. Демак каучукни 10 мартадан ортиқ чўзиш мумкин ва куч олинганда у дастлабки ҳолатини эгаллайди. Чўзилганда унинг ипсимон молекулалари параллел ҳолатни эгаллайди. Куч олинганда эса яна тартибсиз ҳолатга ўтади.

Каучукнинг кимёвий ҳоссалари

Лаборатория иши: каучук кичик бўлаги пробиркага солинади ва (1 томчи “Момент” клейининг устига 1-2 томчи органик эритувчи ёки сув солиши ҳам мумкин) газ ўтказувчи най ўрнатилган пробка ўрнатилади. Найнинг уни қуруқ пробиркага жойлаштирилади. Каучук қиздирилганда парчаланади, суюқ маҳсулотлар 2-пробиркага йигилади. Агар суюқликни бромли сувга солсак рангсизланади. Бу шуни кўрсатадики, парчаланиш маҳсулотлари таркибида тўйинмаган маҳсулот мавжуд. Тажрибада аниқланишича бу диен углеводород - **изопрендир**.

Каучукнинг кимёвий хоссаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, у тўйинмаган бирикмаларга тааллуқли типик хоссаларни намоён қиласди: бром, водород бромидни бириктиради, каталитик гидрогенланади, полимерланади. Каучук ҳарорат ўзгаришига бекарор.

Афсонага кўра тадқиқотчи Чарльз Гудъирга 1-марта каучукдан резинани синтез қилишга “бахтли ҳодиса” ёрдам берди. У бехосдан ошхона плитаси устига каучук пластинкасини олтингугурт билан бирга синдириб юборади. Каучук яроқсиз бўлиб қолишидан кўркиб кетади. Гудъир ажойиб ҳодиса содир бўлганига гувоҳ бўлади: унинг қўлида олдинги каучук эмас эди, бу бошқа маҳсулот - нисбатан қаттиқ, ёпишқоқ бўлмаган эластик маҳсулот эди.

Эгилувчан, ёпишқоқ бўлмаган ва мустаҳкам материал (каучукни олтингугурт билан қўшиб қиздирилганда ҳосил бўлади) резина (ингл. “смола”) деб аталди, каучукни резинага айлантирадиган жараёнга эса – **вулканлаш** дейилади.

Каучук молекуласида қўшбоғлар мавжуд, шунинг учун ҳам каучук учун бирикиш реакциялари характерли. Масалан, агар каучукни $130\text{--}140^{\circ}\text{C}$ гача олтингугурт билан қиздирсак, олтингугурт атомлари молекулани ҳар еридан “тигади”. Агар вулканлаш жараёнида олтингугурт миқдори кўпайиб қолса қаттиқ ноэластик материал - **эбонит** ҳосил бўлади.

Ҳозир изопрен, бутадиен, бутадиен-стирол, хлоропрен, тиокол, полиуретан, силикон, акрилат, этиленпропилен ва ҳ. к. каучуклар мавжуд бўлиб, улар саноат миқёсида ишлаб чиқарилмоқда.

ЛИТЕРАТУРА

1. Черняевская А.П. Педагогическая техника в работе учителя. М: Центр “Педагогический поиск”, 2017.
2. Полат Е.С. Новые педагогические технологии. Пособие для учителей. М. 2018.
3. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учеб. пособие. М., 2017.
4. Ёш химик энциклопедик лугати, 1990.